

**КАРАНТИНЛИ ВА ИНСОҢ УЧУН ХАВФЛИ БЎЛГАН БОШҚА  
ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТГА  
ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАРҚАТИШ ВА  
АҲОЛИ ОРАСИДА ВАХИМА УЙҒОТИШ ЖИНОИЙ  
ЖАВОБГАРЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ.**

*Болтаев Сухроббек*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*

*3-курс 320- гуруҳ курсанти*

*Вахиманинг ўзи ярим касалликдир. Хотиржамлик  
ярим соғлиқдир. Сабр эса шифонинг бошланишидир.*

*Абу али ибн Сино*

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада карантинли ва инсоғ учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларини тарқатиш ва аҳоли орасида ваҳима уйғотиш каби ҳаракатларин амалга оширган шахсларни қокунчиликка асосан белгилаб тартибда шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва жиноий жавобгарликка тортилиш масаласини, жавобгарликнинг тури ва миқдорини, ёлғон маълумотларга ишониб, улрни бошқа шахсларага тарқатиш орқали аҳоли орасида ваҳима уйғотмаслик учун фақат расмий веб-сайт ва каналларда элон қилиниб ўз тасдиғини топган ахборотлардан фойдаланиш кераклиги билдирилади.

**Калит сўзлар:** карантинли иборасининг тушинчаси ва унинг ижтимоий хавфлилиги.

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматривается вопрос о правовой оценке действий физических лиц и уголовной ответственности, вид и размер ответственности, вид и размер ответственности, вид и размер ответственности, вид и размер ответственности, лица, понесшие совершение таких действий, как распространение недостоверной информации о распространении карантинных и других опасных для здоровья инфекционных заболеваний, и проведение таких действий, как создание паники среди населения. информацию другим лицам Рекомендуется использовать информацию, опубликованную на сайте и каналах.

**Ключевые слова:** значение карантинной фразы и ее социальная опасность.

### ANNOTATION

In this article, the issue of legal assessment of the actions of individuals and criminal liability, the type and amount of responsibility, the type and amount of responsibility, the type and amount of responsibility, the individuals who carried out actions such as spreading untrue information about the spread of quarantine and other infectious diseases that are dangerous for health, and carrying out actions such as creating panic among the population It is only official in order not to cause panic among the population by trusting and spreading the information to other persons It is advised to use the information published on the website and channels.

**Key words:** the meaning of the quarantine phrase and its social danger

Бугун келажакка умидвор ҳар бир инсон ягона ташвиш билан яшамокда. Тан олиш жоиз, инсоният ҳаётига жиддий хавф солаётган, таъбир жоиз бўлса, XXI аср вабоси номига қўштирноқ ичида даъвогарлик қилаётган «Коронавирус пандемияси»нинг дунё бўйлаб тобора тарқалиб бораётгани барчанинг фикру зикрини, уй-хаёлини, керак бўлса тафаккурини банд этгани ҳам бор ҳақиқат.Эндиликда тождор вирус инсониятни яна бир бор чуқур мулоҳаза қилишга, ўз идрокига таянган ҳолда ва онгли равишда иш юритишга, жамиятнинг янада жипслашишга чорламокда.

Дастлаб бутун дунё боши берк кўчага кириб қолаётгандек эди, гўё. Иқтисодий барқарор, технологиялар ва тиббиёти энг юксак даражада бўлган давлатлар ҳам «шок» ҳолатига тушиб қолганди, назаримизда. Бугунги амалиёт дунё бундай фавқулодда вазиятларга тайёр эмаслигини ойдек равшан қилиб қўйди. Тўғри, айрим давлатлар бу борада маълум бир ютуқларга эришганини эътироф этиш жоиз. Бироқ, бу барчаси ортда қолди дегани эмас, асло.

Маълумот учун 2022 йилнинг декабрь оyi бошларида Хитой Халқ Республикасида коронавирус пайдо бўлгандан буён коронавирусга чалинганлар сони рекорд даражага етиб пандимия чоралари қайтадан қаттиқ тартибда жорий қилинганлиги маълум қилинганди.

Жорий йилнинг 15 март куни ЖССТ бош директори Т.Гебрейесус сўзларига кўра 2023 йил COVID-19 пандемияси яқунланиши мумкинлиги кутилмода, аммо хотиржамликка берилишга ҳали эрта, мутахасисларнинг хулосасига кўра келгусида коронавируснинг янги мутациялари райдо бўлиб, пандемиянинг янги тўлқини авж олмаслигига кафолат йўқ деган ўз нутқида.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2022 йилнинг ноябрь оyi охирлари ва декабрь оyi бошларида Республиканинг турли

худудларида коронавирусга чалиниш ҳолатлари ўса бошлаганлиги ҳамда келаётган баҳор ойи бўлганлиги сабабли одамларнинг имунитети бироз пасайиши оқибатида юқумли касалликлар кейинги кунларда фақат кўтарилиш кузатилишини маълум қилди, бу эса ўз навбатида аҳоли орасида ваҳимага сабаб бўлувчи ёлғон маълумотларни пайдо бўлиши ва тарқалиши эҳтимолиони оширади.

Биламизки ўз асосини топмаган ёлғон маълумотларнинг кенг тарқалиши аҳоли орасида ваҳимани, кўрқувни вужидга келтиришга сабаб бўлувчи омиллардан бири саналади, бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тиббиёт ходимларининг иш фаолиятига қийинчилик туғдириши аниқ ва шундай бўлди ҳам. Шу сабабли ҳозирги кунда бутун дунё ёлғон хабарларга қарши курашни кучайтириши лозим, бунинг учун, аввало, ҳуқуқий базани мукамаллаштириш, фейкларга қарши қонун билан курашиш тенденциялари яратилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган қонунчилик ислохотлари натижасида карантин вақтида ёлғон ва тасдиқланмаган хабарлар тарқатиш, одамлар орасида ваҳима уйғотиш қонунчиликка кўра жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Юқорида такидланганидек қонунчилигимизда ваҳима тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд. Хусусан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 244<sup>1</sup> –модда киритилган. Унга кўра аҳоли орасида ваҳима чақиришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқоридаги ҳаракатлар:

- олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;
- хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- диний ташкилотлардан, шунингдек, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;

- оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бу оддий огоҳлантириш эмас. Балки, одамларни жамиятда пайдо бўладиган таҳлика ва ваҳималарга берилмасликка чорлайди. Бугунги кунда Республикамизда хукм сураётган пандемия шароити аҳоли ўртасида ваҳима тарқалиб, жамоат тартибининг бузилишига олиб келмоқда, бу эса қонунчилик кўшимча ва ўзгартиришлар киритишни талаб етмоқда. Шу асосда “Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодексларига ҳамда ўзбекистон республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 23 мартда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2020 йил 24 мартда маъқулланди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 мартдаги ЎРҚ-613 сонли қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига 244<sup>5</sup>-модда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш жинояти қўшилди. Унга кўра карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;<sup>1</sup>

Билиш жоизки, Карантин (итал. Quartena-қирқ кун ) карантинлаш – ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишини чеклашга қаратилган эпидемияга қарши маъмурий санитария тадбирлари мажмуи. Карантин малум ҳудудни касаллик тарқатувчи манбадан муҳофазга қилиш ва уни йўқотишга ҳамда касалликнинг бир жойдан бошқа ҳудудларга тарқалиб кетишига йўл

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/>

қўймаслигга қаратилган прафилактик тадбир ҳисобланади. Шу мақсадда карантин элон қилинган жойда аҳоли орасида ҳамма турдаги алоқа, борди-келди кескин чекланади.<sup>2</sup>

Давлатимиз томондан ёлғон маълумотларни тарқалишини олдини олиш мақсадида ва жамоатчиликни коронавирус тўғрисида аниқ маълумотлар учун расмий веб сайт ташкил қилинди шунингдек, Telegram расман тасдиқлаган «Koronavirus info» канали ҳам мавжуд. Шунга қарамасдан, айримлар бу касаллик ҳақида нотўғри маълумотлар тарқатишмоқда Биз шундай пайтда ўзимизни қандай тутмоғимиз керак, бизнинг мажбурият ва вазифаларимиз нималардан иборат? деган ўринли савол юзага келмоғи лозим. Аввало, коронавируснинг ўта хавфли эканлигини унитмасдан, у ҳақдаги маълумотларни олишда фақат расмий манбаларга таянишимиз ва аҳолига холис тушунтиришимиз зарур. Энг муҳими, турли миш-мишлардан, ёлғон хабарлардан, энг асосийси, ваҳимадан йироқ бўлмоғимиз даркор.

Шу билан биргаликда мамлакатимизда коронавирус таъсирининг олдини олиш учун элон қилинган ҳар қандай талабларини виждонан ва ўз вақтида бажаришга ўз-ўзимизни сафарбар этишимиз барчамизнинг фуқаролик ва ватанпарварлик бурчимиз эканлигини унутмайлик, азиз юртдошлар!

<sup>2</sup> М.Х.Рустамбоев жиноят кодексига шарҳ махсус қисм. Тошкент 2022- йил